Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 12-fevral. Seshanba • 17 (31.607) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

**ЎзХДП ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ АҲОЛИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЭНГ МАҚБУЛ УСУЛИ БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.**

**ШУНИНГ УЧУН ПАРТИЯНИНГ МАҲАЛЛИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ «2013 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ»НИНГ ҲАР БИР ТУМАН ВА ШАҲАРДА ТЎЛИҚ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШИ, БУ БОРАДА ҚАТЪИЙ ВА ТАЛАБЧАН ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИ ЗАРУР.**

Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига

## БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

**Шу кунларда мамлакатимизда буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишланган маърифий тадбирлар, адабий кечалар, илмий анжуманлар, мушоиралар ўтказилмоқда.**



Анъанага кўра, 9 февраль куни Алишер Навоий номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғида шоир таваллудининг 572 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар мутасаддилари, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

*(Давоми 4-бетда.)*

ЎзХДП: Иш ва фаровонлик — барча учун!



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

## ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ:

*дастур ижроси ижтимоий шерикчилик асосидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ*

**Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари, аввало, демографик жиҳатларига кўра аҳоли бандлиги масалалари ўзининг долзарблигини ва ўткирлигини сақлаб қолаётганига эътибор қаратди.**

Парламент томонидан тасдиқланган 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурига кўра, Фарғона вилоятида бу йил юз мингга яқин иш ўрни очилиши кутилмоқда. ЎзХДП вилоят кенгаши бу муҳим вазифани амалга оширишда фаол иштирок этиши талаб этилади.

Хўш, ўтган йил якунларидан келиб чиққан ҳолда, бандлик масаласида қайси йўналишларга алоҳида эътибор бериш керак? Газетамизнинг Фарғона вилояти бўйича мухбири ташаббуси билан ташкил этилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди.

*(Давоми 2-бетда.)*

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ — МУҲИМ ВАЗИФА ⇨ 2

БИЗНИНГ ХАВФСИЗЛИГИМИЗ УЧУН *кўрилаётган чора-тадбирлар ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олади* ⇨ 3



ЮРТДОШИМИЗ ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ! ⇨ 4



Қулайлик

## ТОШКЕНТ — НУКУС — ВОЛГОГРАД

**Темир йўл бугунги кунда энг қулай, энг арзон, хавфсиз ва ишончли ҳаракат воситаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда.**

Жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК томонидан янги «Тошкент — Нукус — Волгоград» йўналиши бўйича қатнов йўлга қўйилди.

— Йўловчи поезди ҳафтасига бир маротаба — сешанба куни Нукусдан Волгоградга жўнатилади, — дейди Орол бўйича темир йўл йўловчиларига хизмат кўрсатиш корхонасига қарашли Нукус темир йўл вокзали бошлиғи Бахит Низекеев.

**Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

2013 йил — Обод турмуш йили

## ҚИШЛОҚ УЙЛАРИ

**Ўтган йили Хоразм вилоятида олти юздан ортиқ оилалар намунавий лойиҳа асосида қурилган якка тартибдаги уй-жойларга кўчиб ўтиб, ҳовли тўйлари ўтказган эди. Обод турмуш йилида эса вилоятда яна 730 та ана шундай уйлар қурилиши режалаштирилган. Улар ўнта туманнинг 28 та қишлоғида қад ростлайди.**

«Қишлоқ қурилиш инвест» Хоразм филиали директори Жумабой Султоновнинг айтишича, янгидан қуриладиган турар-жойларнинг лойиҳалари, муҳандислик хизматлари аллақачон бажарилиб, ишга киришилган.

Лойиҳага кўра, янгидан барпо бўладиган уйлар учун 28 километрдан ортиқ табиий газ қувурлари, 22.8 километр узунликдаги йўллар қурилади.

Обод турмуш йилида бунёд бўладиган янги маҳаллаларда барча зарур инфратузилмалар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, новвойхона қуриб ишга туширилиши кўзда тутилган.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Меҳнат ҳуқуқи

## СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ?

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилмоқда. Қонун лойиҳаси билан кодекснинг қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.**

**Хусусан, Меҳнат кодексининг 84-моддасига киритилаётган ўзгартишга асосан таълим муассасалари битирувчиларини ишга қабул қилишда дастлабки синов муддатига йўл қўйилмаслиги белгиланмоқда. Бу масала бўйича қандай фикрдасиз? Меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар учун ижтимоий муҳофаза тамойиллари мустаҳкамланишида бунинг аҳамиятли жиҳати нималардан иборат, деб ўйлайсиз?**

**Биз халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз, партиямиз фаоллари, ҳуқуқшунос олимлар, зиёлилар ва газетхонлар фикр-мулоҳазаларини кутамиз.**

Телефон/факс: 8-371-233-10-13, электрон манзил: ovozi@mail.ru

Концепция: устувор вазифалар

## ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИ

*фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқлари кафолатланишига хизмат қилади*

**Ахборот мамлакат тараққиётининг кўзгуси, кишилар тафаккури, ҳуқуқий маданияти, сиёсий фаоллигини оширишнинг муҳим омили бўлиб, у шахс, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим жиҳатларидан бирига айланган.**

Ҳозирги ахборот асри замонида ахборотга эгалик, замонавий ахборот тизимининг шаклланганлиги ҳар қандай давлатнинг салоҳияти ва тараққиётини белгилаб бериши ҳеч кимга сир эмас. «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да Президентимиз томонидан белгиланган муҳим олти йўналишдан бири ҳам ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган.

Дарҳақиқат, ахборотни эркин олиш ҳуқуқи демократик давлатнинг фундаментал асосларидан бирини ташкил этади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ахборот ресурсларидан бемалол фойдалана олиш ҳуқуқи жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосини ташкил этади. Давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини ошириш билан бирга коррупцияга қарши курашишнинг ҳам самарали воситаси бўлиб хизмат қилади.

*(Давоми 2-бетда.)*

ЎзХДП: Иш ва фаровонлик — барча учун!

# ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ:

## *дастур ижроси ижтимоий шерикчилик асосидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ*



**Маҳмуджон МАҲКАМОВ,**
**ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси:**

— Янги иш ўринлари яратишда ижтимоий шерикчилик асосидаги ҳамкорликнинг кучайиши муҳим эканлигини 2012 йилдаги ўзига хос тажриба исботлади. Биз партия ғоя ва дастурий вазифаларига таяниб, ўтган йили вилоят ёшларининг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бизнес режа тузишга ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, туман ва шаҳарларда аниқ инвестицион дастурларни шакллантириш ва ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш чора-тадбирларини бир неча ҳамкорлар билан бирга ишлаб чиққан эдик.

Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказган ижтимоий-иқтисодий форумларимиз орқали мингдан ортиқ иш ўрни яратадиган 195 та муқобил бизнес лойиҳаларни тайёрлаб, уни ҳаётга жорий этишга ҳам кўмаклашдик. Масалан, Қува туманидаги «Дурдона» фермер хўжалигида 25 миллион сўм кредит эвазига тухум етиштиришга мўлжалланган паррандачилик цехи ташкил этилди ва 4 нафар ёш ишга қабул қилинди.

Ўзбекистон туманидаги «Чўян ЮИН» хусусий корхонаси таркибида «Савдогарбанк»дан 20 миллион сўм кредит олиб, қурилиш гипси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада 4 нафар йигит ишли бўлди. Учкўприк туманидаги «Турон классик» МЧЖда терини қайта ишлаш корхонасини кенгайтириш туфайли 20 та янги иш ўрни яратилди.

**Биз Марказий банк вилоят бошқармаси, тижорат банклари, иқтисодиёт бошқармаси, савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилдик. Партиянинг шаҳар, туман кенгашлари фаоллари ҳудуддаги ҳар бир қишлоқ ва маҳаллада бўлиб, қўлида сармояси йўқ, лекин ишга лаёқатли электорат вакиллари, вақтинча ишсиз аёлларни аниқлашди. Шундан сўнг ишлаб чиқилган режа асосида лойиҳаларга ҳамкорларни жалб этдик. Мазкур лойиҳани ҳаётга татбиқ қилиш баробарида партия депутатлик гуруҳларининг назоратини ҳам ташкил этдик.**

Обод турмуш йилида бу ишларни янада кучайтириб, янги лойиҳаларни тайёрлаяпмиз. Бундан ташқари, ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини жиддий назорат қилиб боришимиз керак бўлади.



Машрабжон САРИМСОҚОВ олган суратлар.



**Акрам ТУРСУНОВ,**
**Марказий Банк Фарғона вилоят бош бошқармасининг кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш бўлими бош иқтисодчиси:**

— Аввалги йилларда ЎзХДП жойларда, жумладан, Фарғонада иқтисодий форум ўтказиб, янги иш ўринлари яратишнинг муқобил йўлларини таклиф этган ва амалга оширган эди. Очиғи, ўшанда бундай тадбирлар юқори самара беришини биз ҳам кутмаган эдик. Шунинг учун партия вилоят кенгашининг янги таклифини бажон-у дил қабул қилдик ва ҳамкорликда ишга киришдик.

2012 йилда ЎзХДП ташаббуси билан ишлаб чиқилган лойиҳаларга 22,6 миллиард сўм кредит маблағи ажратилди. Энг муҳими, минглаб аҳоли вакиллари доимий иш ҳақи билан таъминланадиган меҳнат фаолиятига жалб этилди. Ҳамкорлик бу йил ҳам давом этади.



**Рустам МАМАДАЛИЕВ,**
**вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи:**

— Бу йил ЎзХДП вилоят кенгаши билан биргаликда вилоятда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, шу орқали янги иш ўринлари яратиш, турмуш даражасини яхшилашга қаратилган яна бир муқобил дастур асосида иш бошладик. Унга кўра, тадбиркорлик сабоқлари ўқуви, бизнес режалар тузиш малакасини шакллантириш, банк кредити ажратиш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдиришга кўмаклашиш каби манзилли вазифаларни амалга оширамиз. Бу дастур ҳам вилоятда бир неча минг янги иш ўрни яратилишига хизмат қилади.



**Сардор АБДУЛЛАЕВ,**
**ЎзХДП вилоят кенгаши бўлим бошлиғи:**

— Биз касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг ўз мустақил ишини бошлашига кўмаклашадиган махсус ўқув дастури туздик. Вилоят марказий банк бош бошқармаси, савдо саноат палатаси билан ҳамкорликда жойларда ҳозиргача 3 мингдан ортиқ ёшлар маҳорат дарсларида ўқитилди. Натижада кўплаб ёшлар кредит олиб, қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ўз ишини очишди. Бу ҳали бошланиши. 2013 йилда бевосита вилоят партия ташкилотлари ташаббуси ва кўмаги билан муқобил лойиҳалар асосида кўплаб янги иш ўрни ташкил этмоқчимиз.

Таҳлилларга кўра касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашгани хақидаги статистикада ноаниқликларга йўл қўйилмоқда. Бундан кўз юмуб бўлмайди. Айнан шунинг учун ҳам партия вилоят кенгаши янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижросида жамоатчилик назоратини кучайтиришга кенг ўрин берган. Ишчи гуруҳи ўтган йил давомида ўтказган ўрганишлар натижасида маълум бўлдики, Бешариқ, Бувайда, Боғдод, Учкўприк, Қува, Ёзёвон ва Фарғона туманларида айрим иш ўринлари қоғозда бор-у, амалда йўқ. Бунинг бир неча сабаблари бор эди. Айрим корхона, хўжалик субъектлари аслида яратилмаган иш ўринлари учун уч томонлама шартнома имзолаш ҳоллари бўлган.

Баъзи соҳалар бўйича, масалан, тиббиёт, педагогика, иқтисод каби йўналишларда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари сони талабга нисбатан бир неча бор кўплиги, бундай коллежлар ихтисослашувини эҳтиёжга қараб ўзгартириш кераклиги ҳам маълум бўлди. Партия вилоят кенгаши таҳлилларга асосланган ҳолда, республика масъул идораларига ўз таклифларини тайёрламоқда.

Лекин бу иш ўринлари яратиш режаларининг баъзи бир туман ва шаҳарларда, корхона ва муассасаларда тўлиқ бажарилмай қолишига сабаб бўла олмайди.



**Аҳаджон ЙЎЛДОШЕВ,**
**Савдо саноат палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари:**

— 2013 йилда вилоятда 96,5 минг янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган бўлиб, унинг 60 фоизи кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади.

ЎзХДПнинг барча туман ва шаҳар кенгашлари ўз ишини очиш истагидаги электорат вакилларининг бизнес лойиҳалар тузиш, банк, лизинг, суғурта идоралари билан ишлаш малакасини шакллантириш масалаларида биз билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаяпти. Обод турмуш йилида бу борадаги ишларни янада кучайтириш учун ижтимоий шерикчилик асосидаги тадбирларни кўпайтириш керак, деб ўйлайман.

**Давра суҳбатида, шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари Икромжон Холмуродов, Топволди Холдоров ва бошқалар ўтган йиллар тажрибасига таяниб, ҳамкорликни амалий натижалар билан янада мустаҳкамлаш юзасидан қатор таклиф ва мулоҳазалар билдиришди.**

**Давра суҳбатини**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**
**Муҳаммаджон ОБИДОВ ёзиб олди.**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Семинар

# АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

**Гулистон шаҳрида «Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида сенаторлар ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатларининг ҳудудий муаммоларни ҳал қилишдаги роли» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллар иштирок этди.

Семинарда Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари М. Ражабова ва бошқалар халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатларининг ҳудудий муаммоларни ҳал қилишдаги ролини ошириш масалаларига алоҳида тўхталди. Маҳаллий кенгашлар ишини янада фаоллаштириш, уларнинг жамиятдаги ролини ошириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳудудларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда депутатларнинг иштирокини кенгайтириш масалалари хусусида сўз юритилди.

Дарҳақиқат, ўтган йили вилоятда амалга оширилган бандлик, янги иш жойлари барпо этиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қуввватлаш борасидаги дастурлар ижросини таъминлашда сенат аъзолари ва халқ депутатлари кенгашлари муҳим аҳамият касб этди.

Жойларда депутатлар томонидан ташкил этилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар фуқаролар билан жойларда юзма-юз мулоқот қилиш, уларнинг орзу-ўйлари, ташвишларини яқиндан билиш, муаммоларини жойларнинг ўзида ҳал этиш имконини бермоқда.

Семинар-тренингда Сирдарё вилояти ҳокими О.Ашурматов сўзга чиқди.

**А.МУСТАФОҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири**

Ижтимоий ҳимоя

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳот, аввало, инсон учун, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун хизмат қилаётир.**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиясининг кенгайтирилган йиғилишида шу ҳақда сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари С.Турсунов, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов ва бошқалар мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади. Фуқароларнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал қилишда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг роли ва аҳамияти кучайиб бормоқда.

Омбудсман томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлик яхши самаралар бераётир. Омбудсманнинг халқаро ҳамкорлиги ҳам тобора ривожланмоқда.

2012 йилда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари, вазирликлар ва давлат органлари томонидан тақдим этилган йигирмадан ортиқ қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиб, уларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқлигини аниқлади.

Омбудсманнинг фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир фаолиятида инсонларнинг яшаш, меҳнат қилиш, шахсий дахлсизлик каби конституциявий ҳуқуқларини, ўзаро ҳурмат ва муомала маданиятига риоя қилинишини таъминлаш алоҳида ўрин тутади. 2012 йили шу каби масалалар билан боғлиқ мурожаатларнинг аксарияти бўйича фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

Концепция: устувор вазифалар

# ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИ

## *фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқлари кафолатланишига хизмат қилади*

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг 41,6 фоизга ўсганини ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим. Айни вақтда мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларининг 1200 га яқини, мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади.

Бу кўрсаткич, аввало, мобил алоқа ва Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланадиган абонентлар сонининг ўсиши ҳисобидан таъминланди. Бунда аҳоли учун Интернет хизматларидан фойдаланиш тарифларини 22 фоизга камайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 8 миллионга яқини Интернет тармоғидан фаол фойдаланмоқда.

Шу ўринда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги тадрижий ислоҳотларнинг бугунги босқичидаги долзарб масалалардан бири, шубҳасиз, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини, жамоатчилик назоратини, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги узвий алоқани таъминлашда ОАВ ролини кучайтиришга, шунингдек, давлат органлари ахборот хизматлари фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмлар яратишдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу маънода, Концепцияда таклиф қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, ушбу ҳужжат жамиятнинг ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш, аҳоли, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида хабардорлигини оширишда қўл келади.

Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги деганда давлат органининг фаолияти, таркиби, тузилмаси тўғрисидаги ва бошқа исталган очиқ ахборотлар (давлат сири ёки бошқа муҳофаза қилинадиган сирлар тоифасига кирмайдиган)га эркин эга бўлиш ҳуқуқи тушунилади. Фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқларини таъминлаш ва бу борада турли сансоларликлар юзага келишининг олдини олиш мақсадида қонунда фойдаланувчилар томонидан сўров юбориш ҳамда унга жавоб беришнинг батафсил тартиби ва муддатлари, бундан ташқари, сўров бўйича ахборот тақдим этилишини рад этиш асослари аниқ белгилаб қўйилиши муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий тажрибани ҳисобга олиб, қайд этиш жоизки, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун, авваламбор, ҳар кимнинг давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Шу билан бирга, ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллигини таъминлаши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис унинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда давлат органлари ўртасида яқин ҳамкорликни ўрнатиш, журналистлар томонидан ахборотлар олиш, тўплаш ва тарқатиш масалаларида қонунчилик механизмларини такомиллаштиришга, фуқароларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида холис, тезкор ва янада тўлиқ хабардор қилишга, давлат органлари ахборот хизматлари, медиа-тузилмалари фаолиятининг фаоллашишига, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга хизмат қилади.

**САНЖАР АЛЛАБЕРДИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Огоҳ бўлинг, одамлар

# БИЗНИНГ ХАВФСИЗЛИГИМИЗ УЧУН

## кўрилаётган чора-тадбирлар ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олади

**Ички ишлар вазирлигининг Транспортдаги ички ишлар бошқармасига қарашли Тошкент темир йўл бекатидаги бошқармаси ходими Ойбек Саҳобиддинов вокзалолди назорат-ўтказиш постида хизмат қилади. Иш куни давомида турфа одамларга дуч келади. Вокзалга бир кунда саккиз-ўн минг йўловчи келиб кетади. Уларнинг феъл-атворлари ҳам шунча хил, ҳар бирига яраша гап топиб муомала қилиш лозим. Хайриятки, йўловчиларнинг аксарияти назорат ўтказиш пунктларидаги текширувлар биринчи навбатда ўзларининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилганини яхши тушунадилар.**



— Ўғлим оиласи билан Тошкентда яшайди, — дейди биз билан суҳбатда «Тошкент — Қўнғирот» поездига чиқаётган Рейимбой ота. — Кампирим билан набираларимизни кўриш учун тез-тез пойтахтга келиб турамиз. Поездда ва бекатларда яратилган шароитлар кўзингизни қувнатади. Назорат-ўтказиш постларидаги ички ишлар ходимлари хушмуомала. Бу чоралар аввало биз — йўловчиларнинг хавфсизлиги учунлигини яхши тушунамиз. Қолаверса, бу кўп вақтингизни олмайди ҳам.

Аммо шундай фуқаролар ҳам борки...

— Нима учун вокзал ичкарисига ўтказмаяпсиз, мен қариндошимни поезд вагони олдигача кузатиб, жойлашишига ёрдам бермоқчиман, — дейди кимдир.

Яна бирови юкини интроскоп воситасида текширилганига ёки кўрикдан ўтказилганига жиғибийрон бўлади.

— Нима, мен жиноятчимидим, бунча синчиклаб текширасизлар, — дейди иддао билан.

Ойбек Саҳобиддинов ҳар бир фуқаро билан саломлашиб, яъни «честь» бериб хизмат вазифасини бажаришга киришади, саволларга ҳам хушмуомалалик билан жавоб беради. Унинг қисқагина текширув давомидаги тушунтиришларидан кейин кўпчилик ноҳақлигини тан олиб, узр сўрайди. Аммо шундайлар ҳам топиладики, барибир ўз фикрида қолади. Ходим барибир Низомда талаб қилинган вазифаларини бажариб, йўловчиларга оқ йўл тилаб қолади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 2011 йил 30 ноябрь қарорида темир йўл вокзалларида (станцияларида) йўловчилар ва бошқа шахсларни, қўл юкини, багажни кўздан кечириш тартиби белгилаб берилган, бу ваколатга эга бўлганлар кўздан кечирилаётган шахсларга нисбатан ҳушёр, эътиборли ва илтифотли бўлишга ҳамда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатларга, йўловчиларнинг асоссиз ушланиб қолишларига йўл қўймасликка мажбурлиги ҳам таъкидланган.

Хуллас, темир йўл бекатларида жорий этилганига бир йилдан ошган янги тартиб-қоидалар йўловчининг эркин ҳаракатланиши учун ҳеч қандай муаммо туғдирмайди. Паспорти ва чиптаси жойида бўлган, ўзига тўғри ва бирон ноқонуний ҳаракатни режалаштирмаган одамлар бу тартиб-қоидаларга табиий ҳол деб қарашяпти. Аммо ҳуқуқбузар ва жиноятчилар учун бу тартиб қоидалар ҳақиқий тўсиқ бўлди, десак янглишмаймиз.

Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, транспортдаги ички ишлар идораларининг жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, тергов бўлинмалари ходимлари, темир йўл хизматчилари, темир йўлнинг ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бошқармаси ходимлари биргаликда ана шу ишончли ва мустаҳкам тўсиқни яратишади.

Мана бу маълумот текшириш учун сарфланган икки-уч минут вақтини қизғанаётган йўловчини ўйлашга мажбур қилса керак: ўтган йили ҳар учта поезднинг биттасида қидирувдаги шахс аниқланган. Ашаддий жиноятчи билан битта вагонда кетишнинг хавф-хатарини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Бундай кимсалар изини яшириш ёки пул топиш учун такроран жиноят содир этишлари тайин.

Сирдарё вилоятида оғир босқинчилик жинояти содир қилган гуруҳ аъзоларининг бири аэропортда, яна бири эса темир йўл вокзалида қўлга олинган. Сирасини айтганда, тармоқ ички ишлар тизимида қидирувдаги шахсларни аниқлаш борасида кучли, изчил дастур амал қиляпти.

Темир йўл вокзалидаги учта назорат ўтказиш-пунктларидан бирида йўловчиларнинг юклари, анжомлари интроскоп воситасида текширилади. Бу ерда ортиқча кутиб қолмайсиз. Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бошқармаси нозирлари сумкангиздаги буюмнинг соясидан унинг нима эканини билиб олишади, шубҳа туғилган ҳоллардагина юкингизни очишни ва қўшимча кўрикдан ўтишингизни талаб қилишади. Ана шундай синчиклаб текширишларнинг натижасида бир неча бор наркотик моддалар топилганлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бир қарашда оддийгина кўринган хатти-ҳаракатлар ортида ҳам жиноий мақсад ётган бўлиши мумкин. Баъзан кимлардир узоқ мамлакатдаги қариндошига кийим-кечак ёки совға-саломларни поезд вагон кузатувчилари орқали бериб юбормоқчи бўлади. Олдинлар бундай ҳолатлар кўп учраган бўлса, янги тартиб-қоидалар туфайли уларга кескин барҳам берилди. Яна бир тур йўловчилар, яъни йўл чиптасисиз сафар қилиш истагидагиларга ҳам назорат пунктлари талаблари манзур бўлмади. Чунки, ичкарига фақат йўл чиптаси бор йўловчиларгина ўтказилади.

Транспортдаги ички ишлар идоралари ходимларининг вазифаси фақат назорат постларида туриш ва ҳудудларидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни очишдангина иборат эмас. Тармоқ ички ишлар ходимларининг бахтсиз ҳодисалар ва давлат мулкига шикаст етказиш ҳолларига қарши профилактика тадбирлари ҳам самарали бўлмоқда. Уларнинг доираси кенг — ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлинмаси ходимлари ўрта умумтаълим мактабларида, коллеж ва лицейларда, кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида учрашув, суҳбатлар ташкил этишяпти. Айниқса, темир йўл линиялари ва бекатларига яқин жойдаги аҳоли билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

— Темир йўлни белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар, афсуски, ҳозир ҳам рўй беряпти, — дейди ушбу бўлим инспектори капитан Қамариддин Раҳмонов. — Темир излар бўйлаб бораётган одам ҳозиргина ўтиб кетган поезднинг шовқини остида қарама-қарши томондан келаётган поездни англамай қолади ва арзимасдек туюлган қоидабузарлик, афсуски, унинг умрига зомин бўлади.

— Темир йўлларда кўп учрайдиган яна бир ҳуқуқбузарлик — болалар ва ўсмирларнинг поездларга тош отиши факти 2011 йилда етти марта қайд этилган бўлса, 2012 йил бундай ҳолатлар фақат уч марта рўй берди, — дейди ХООБ инспектори, капитан Ҳамид Аҳмедов.

Икки ҳолатда 10-12 яшар болалар, яна бирида эса вояга етган шахс бу ҳуқуқбузарликни содир этган. Суд қарорига кўра поездга шикаст етказган фуқаро тўрт миллион сўм миқдордаги зарарни тўлади, вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг ота-оналари ҳам жаримага тортилди. Бу борада ҳужжатли фильм тайёрланиб, ички ишлар ходимлари жойларда бўлган учрашувларда ундан фойдаланишяпти.

Жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи Фахриддин Ҳайдаров баъзан фуқароларнинг билиб, тушунган ҳолда ҳуқуқбузарлик содир қилишлари ҳақида ҳикоя қилади.

Қашқадарёга жўнайдиган поездга эрталаб чипта олган Шерзоднинг тушдан кейин қарори ўзгариб, унинг ўрнига акаси кетадиган бўлади. У акасига йўл чиптасини ва фуқаролик паспортини беради. Ака-ука бир бирига ўхшаса-да, паспортдаги сурат билан уни тақдим қилаётган шахснинг орасидаги фарқ синчков ходимлар назаридан четда қолмади. Ҳуқуқбузарлик устида ушланган фуқаро навбатчилик қисмига олиб келинди, далолатнома тузилди, кейин у суд олдида жавоб берди. Аслида чиптани ўз номига расмийлаштириш учун унчалик кўп вақт ва маблағ кетмас эди.

Айрим ҳолларда ички ишлар ходимининг қонуний талабини бажармаган ёки унинг ўз хизмат вазифасини бажаришга халақит берган фуқаролар устидан ҳам далолатнома тузишга тўғри келади. Айбдор маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилади.

Хуллас, темир йўл транспортида амал қилишингиз керак бўлган оддийгина қонун-қоидаларни билиб қўйсангиз, бунинг сизга фақат фойдаси бор:

— йўловчилар ташиш поездларида ташиш таъқиқланган ва чекланган хавфли моддалар ва буюмлар рўйхати тасдиқланган, бу рўйхат вокзалга кираверишда осиб қўйилган;

— маст ҳолдаги йўловчилар поездга чиқарилмайди;

— поездда спиртли ичимлик ичиш ва белгиланмаган жойда сигарета чекиш;

— зарурат бўлмаган ҳолда ўзбошимчалик билан поездни тўхтатиш;

— темир йўл изларига бегона жисм қўйиш;

— сигнал бериш ва алоқа қурилмаларига шикаст етказиш таъқиқланади.

Майор Фахриддин Ҳайдаровнинг таъкидлашича, кейинги йилларда транспортдаги ҳуқуқбузарликлар сони кескин камайган. Бу албатта фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ошганидан далолат беради. Шунинг билан бирга фуқароларнинг тартиббузарлик ва жиноятлар ҳақида ички ишлар ходимларига хабар бериш ҳолатлари ҳам кўпайган.

Жумладан, улар темир йўл бекатида ўғирлик рўй бераётгани, таъқиқланган ҳудудда мол боқилаётгани, темир йўл қурилмаларига шикаст етказилаётгани фактлари ҳақида хабар беришган. Поездга тош отган қонунбузар бир соатга қолмай аниқланган. Ҳаракатдаги поезд ичидаги тармоқ ички ишлар ходими ҳуқуқбузарлик содир этилган манзилни аниқ айтган, бир зумда мазкур ҳудуддаги ички ишлар ходимлари воқеа жойига етиб келишган, уларнинг тезкор ҳаракатларига ҳам фуқаролар яқиндан ёрдам берганлар.

Шу тариқа жамоатчиликнинг ёрдами туфайли кўп жиноятларнинг олди олинмоқда, содир этилган жиноятлар тезкорлик билан очилмоқда.

***Бугун бутун дунёда транспортдаги хавфсизликни таъминлаш борасидаги, хусусан, террорчилик ҳаракатларига қарши эҳтиёт чоралари кучайтирилган. АҚШдаги RAND илмий изланишлар коорпорациясининг хулосаларига кўра, террорчилар кўпчилик орасида ваҳима туғилишини, қурбонлар кўпроқ бўлишини эътиборга олиб ва оммавий ахборот воситаларининг диққатини кўпроқ тортиш мақсадида қабиҳ жиноятларни амалга оширади. Статистик маълумотларга кўра, кейинги ўн йилда халқаро аэропортларда, офис ва меҳмонхоналарда, халқаро анжуманлар ўтказиладиган биноларда, халқаро курортларда портлашларни уюштириш камаймоқда. Бунинг боиси, шундай масканларда эҳтиёт чораларининг кучайтирилганидир.***

***Демак, огоҳлик ва ҳушёрлик, кўрилаётган чора-тадбирлар жиноятларнинг олдини олмоқда.***

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Хориж



# ШИШЛАРНИ ҚАЙТАРУВЧИ

## янги суртма

***Бугунги кун тиббиётида тери саратони жарроҳлик амалиёти ёрдамида бартараф этилади. Биламизки, жарроҳликдан сўнг терида чандиқ қолади. Бу эса олимларни ўйлантираётган масала эди.***

«Аргументы и факты» ҳафталиги хабар тарқатишича, австралиялик мутахассислар бу борада ўзига хос янгилик яратдилар. Яъни янги суртма (крем) касаллик ўчоғига суртилса меланом вируси ўлади ва саратон бартараф этилади.



Айни пайтда бу суртма хавфсизлигини аниқлаш мақсадида тест синовларидан ўтказилмоқда. Яқин кунларда у савдога чиқарилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

# ШАМОЛ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИ

## АЭС ўрнини босади

***2011 йилнинг мартида Японияда содир бўлган кучли зилзила ва цунами оқибатида «Фукусима-1» атом электр станциясида рўй берган фожиадан сўнг мамлакат маъмурияти АЭСлардан фойдаланишни қисқартиришга қарор қилди ва бугунги кунда 54 та АЭСдан 52 тасининг фаолияти тўхтатилган.***

Уларнинг ўрнини муқобил энергия манбалари билан тўлдириш масаласи эса муҳокама этилмоқда.



«Cyber Security» нашри хабар беришича, жорий йилнинг ёзида Фукусима қирғоқларида дунёдаги энг улкан шамол электростанциясини бунёд этиш режалаштирилмоқда. У «Фукусима-1» АЭСи берган қувватни тўлдириш қудратига эга бўлади.

Денгизнинг 16 километрлик қирғоқ масофасида 143 та шамол турбиналари қад кўтаради. Улар ишлаб чиқарган электр қуввати 2020 йилга бориб янада ошади ва 1 гигаваттга етади. 2040 йилдан эса мамлакат тўлиқ энергетика мустақиллигига эришишни мақсад қилган.

Айни пайтда амалдаги энг қувватли шамол энергия станцияси Буюк Британиянинг Саффолка ҳудудида бўлиб, 140 та турбина 504 мегаваттга тенг энергия ишлаб чиқаради. 175 та шамол турбинасига эга «London Array» шамол электр станцияси эса 630 мегаватт қувватга тенг энергия ишлаб чиқаради. Фақат унинг қурилиши ҳали давом этмоқда.

# ҚОИДАБУЗАР ҲАЙДОВЧИЛАР

## 3 миллиард рубль жарима тўлаганлар

***Ўтган йилнинг 11 ойида йўл қоидасини бузган москвалик машина эгалари умумий ҳисобда нақ 3 миллиард рубль миқдорида жарима тўлаганлар.***

Экспертларнинг ҳисоб-китобига қараганда, ўтган йили ноябрь охиригача фақат шаҳарнинг ўзида жарималар бўйича 3,99 миллионта қарор қабул қилинган. Уларнинг асосий қисми (3,12 миллионтаси) тезликни оширганлик билан боғлиқ. Йўлнинг жамоат транспорти қатнови белгиланган қисмига ўтиб кетиш ҳолатлари эса қоидабузарлик рўйхатида иккинчи ўринда турибди (484,5 мингта).



# 14 ЙИЛ АВВАЛ

## инсультга чалиниши мумкин

***Франциядаги Лилль университети олимлари мунтазам спиртли ичимлик ичадиган одамлар ичмайдиганларга қараганда 14 йил аввал инсульт хасталигига чалиниши мумкинлигини айтмоқдалар.***



Улар олиб борган тадқиқотлар, дейилади «Franse Presse» АА хабарида, 60 дан кичик ёшдаги «ичувчилар» инсульт хуружига учраганидан кейинги 2 йилда ҳаётдан кўз юмиш эҳтимоли юқорилигини тасдиқлади. Шифокорларнинг сўзларига кўра, спиртли ичимликларни кўп миқдорда ичиш оқибатида ёшлик чоғида ҳам инсультнинг оғир турига дучор бўлиш хавфи бор.

# ДЎСТЛИК НАВОЛАРИ

**Ўзбекистон давлат консерваториясида Обод турмуш йили ҳамда буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг таваллуд топган кунига бағишлаб ўзбек ва ҳинд санъат усталари иштирокида маданий тадбир ўтказилди.**

Халқлар орасидаги қадимий дўстлик ва биродарликни, маданий-маърифий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида «Ўзбекистон — Ҳиндистон» дўстлик жамияти, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Ҳиндистон маданият марказлари томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда хорижий давлатларнинг дипломатик корпус вакиллари, Давлат ва жамоат арбоблари, шаҳримиз меҳмонлари иштирок этди.

«Ўзбекистон — Ҳиндистон» дўстлик жамияти раиси Комилжон Юсупов ва Ҳиндистон маданият маркази директори Ражеш Мехталар сўзга чиқиб, дунёда санъати ривожланган халқлар ичида ўзбек ва ҳинд халқлари санъати алоҳида ўринда экани таъкидланди.

Тадбир давомида тинчликни тараннум этувчи, шунингдек, Навоийнинг ғазалларига басталанган қўшиқ ва куйлар янгради.

**Альбина ЖУМАНОВА**







Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Тадбир

# ҲАРБИЙ ХИЗМАТ — ҲАЁТ МАКТАБИ

**Учқўрғон туманидаги Қўғай қишлоғида туғилиб ўсган Ҳабибулло Абдужалиловнинг орзуси ушалди. У Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилиш учун шакллантирилган бу йилги дастлабки гуруҳ таркибида ўнлаб тенгдошлари билан биргаликда ҳарбий қисмга жўнаб кетди.**

Наманган вилоят мудофаа ишлари бошқармасида ўтказилган тадбир катта тантанага айланди. Унда маҳаллий ҳокимият, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этиб, бўлғуси аскарларга оқ йўл тилаб, эзгу тилакларини изҳор этдилар.

— Йигитлик бурчини бажариш учун отланган бу ёшларни кўриб дилингиз қувончга тўлади, — дейди Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Ойбек Маҳкамов. — Улар яхшигина жисмоний тайёргарликка эгалар. Маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам билимлари пухта. Қисқаси, Ватанимиз сарҳадларини муносиб ҳимоя қилишларига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Ота-оналари ҳам фарзандларининг камолидан ниҳоятда хурсанд.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармасидан мухбиримизга маълум қилишларича, чақирилувчиларнинг барчаси тегишли тайёргарлик босқичларини ўтаган. Уларнинг билим ва кўникмалари эса белгиланган тартибда синовдан ўткизилиб, армия сафига йўлланма берилган.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
**«Туркистон-пресс».**

Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига

# БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, филология фанлари доктори, адабиётшунос олим Шуҳрат Сирожиддинов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Эшқобил Шукур ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг умрбоқий илмий-маърифий меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар миллий адабиётимизни ривожлантириш, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Маънавият ва маърифатни юксалтириш, баркамол авлодни вояга етказиш, она тилимиз, миллий адабиётимиз равнақида улуғ шоир, мутафаккир Алишер Навоий ижодининг аҳамияти беқиёсдир.

Мамлакатимизда Навоий меросини ўрганиш, асарларини нашр этиш, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан бу борадаги ишлар ҳар томонлама рағбатлантирилиб, шоир асарлари жамланган йигирма жилдлик ва ўн жилдлик тўпламлар халқимизга тақдим этилди.

Ҳозирги глобаллашув даврида Алишер Навоийнинг инсоний баркамоллик, одоб-ахлоқ, беғубор ва покиза туйғулар улуғланган асарлари ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда. Шу боис улуғ шоирнинг ижод намуналари жаҳон халқларининг кўплаб тилларига таржима қилиниб, олимлар, кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Шоир ўз асарларида улуғлаган юрт равнақи, ободлиги, осуда ва фаровон ҳаёт, жамиятдаги барқарорлик, ўзаро тотувлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини асраб-авайлашдек эзгу ғоялар Президентимиз томонидан эълон қилинган Обод турмуш йили мазмун-моҳияти билан ғоят ҳамоҳангдир.

Тадбирда Алишер Навоий даҳосига бағишланган шеърлар ўқилди.

Тадбир иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## МИЛЛАТ ВИЖДОНИ

*Сафма-саф ўтаркан эллар карвони*
*Тарихлар, замонлар девонларида,*
*Порлаб кўринади миллат виждони*
*Ҳазрат Навоийнинг девонларида.*

*Мангу сафардошлар Сўз ва Ҳақиқат,*
*Нур бермиш азалнинг чироқларига.*
*Ястаниб ётади улуғ мамлакат*
*«Хамса»нинг муборак варақларида.*

*Бунда ҳар бир сатр — беш юз йиллик йўл,*
*Ҳар сўз фариштадай силкитар қанот.*
*Ҳар бир умидворга узатади қўл,*
*Байтлар орасидан Ҳикмат ва Нажот.*

*Она Тил, Она Юрт, азиз Она Ер —*
*Аждодлар руҳи бу, авлодлар шони!*
*Бу жаҳон мулкида ҳазрат Алишер*
*Маъно оламининг Ўзбекистони.*

*Бобо Тарих ўзи ҳақ сўзга ровий,*
*Вақтни-да кесолгай рост қалам шахти.*
*Олти аср бўйлаб ҳазрат Навоий —*
*Тафаккур пойтахти, Туйғу пойтахти.*

*Сафма-саф ўтаркан эллар карвони*
*Тарихлар, замонлар девонларида,*
*Порлаб кўринади миллат виждони*
*Ҳазрат Навоийнинг девонларида.*

**Эшқобил ШУКУР,**
**шоир.**

Хушхабар!

Париж (Франция)да дзюдо бўйича йилнинг дастлабки йирик мусобақаси бўлиб ўтди.

## ЮРТДОШИМИЗ ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ!

«Катта дубулға» туркумига кирувчи мазкур халқаро турнирда сайёрамизнинг эллик тўрт давлатидан энг кучли полвонлар ғолиблик учун кураш олиб борди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси Андрей Штурбабин бош мураббийлигида тўлиқ таркиб билан иштирок этди.

Мусобақада, айниқса, истеъдодли дзюдочимиз Яхё Имомов (81 кг)нинг чиқишлари мутахассис ва мухлислар эътиборини қозонди. Ҳамюртимиз аввалига Хавьер Мадера (Испания), Танжу Сорли (Туркия), Ласло Ксокнял (Венгрия), Мурат Хабачиров (Россия)ларни енгиб, финалга йўлланма олди. Ҳал қилувчи беллашувда Яхё грузиялик Автандил Чирикшвиллига қарши тотамига чиқди. Унда моҳир дзюдочимизнинг соф ғалаба қозониши учун атиги 1.51 дақиқа кифоя қилди ва олтин медаль билан тақдирланди.

Яна бир иқтидорли спортчимиз Дилшод Чориев (90 кг) ярим финалгача бўлган учрашувларда испаниялик Арнад Алберто, япониялик Като Хиротакаларни катта устунлик билан енгди. Аммо финал йўлланмаси учун кечган беллашувда унга бироз омад етишмади. Ҳамюртимиз грузиялик Варлам Липартелианига очколар ҳисобида ютқазган бўлса-да, бронза медали учун курашиш имкониятини сақлаб қолди. Якунда Дилшод франциялик Александр Иддирни доғда қолдириб, шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Шунингдек, турнир якунида вакилларимиздан Мирзоҳид Фармонов (66 кг) бешинчи, Хуршид Набиев (90 кг) ҳамда Соиб Қурбонов (100 кг) еттинчи натижани қайд этдилар.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ**

**ОБ-ҲАВО** 12 - 13 — 02. 2013

Юртимиз бўйлаб (°C)

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | -2 / -7 | +5 / +10 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | -2 / +3 | +8 / +13 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | -2 / +3 | +8 / +13 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | -2 / +3 | +12 / +17 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | -3 / +2 | +3 / +8 |
| Тошкент шаҳри | 0 / -2 | +8 / +10 |

Дунё бўйлаб (°C)

| | |
|---|---|
| Лондон | +1 / +2 |
| Париж | 0 / 0 |
| Москва | 0 / -1 |
| Мадрид | 0 / +1 |
| Пекин | -9 / -5 |
| Канберра | +17 / +17 |
| Рим | +1 / +1 |
| Афина | +6 / +6 |
| Токио | +1 / +2 |
| Стокгольм | -2 / -2 |
| Кейптаун | +18 / +18 |
| Қоҳира | +9 / +7 |
| Гавана | +19 / +19 |
| Вашингтон | -3 / -4 |

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси таниқли ношир ва журналист, меҳнат фахрийси **Ислом ШОҒУЛОМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


Реклама ўрнида

## «МИКРОКРЕДИТБАНК» СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ:

MIKROKREDITBANK

# СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

**«Микрокредитбанк»нинг Сурхондарё филиали ўтган йили вилоятнинг чекка ҳудудларида янги иш ўринлари ташкил этиш борасида катта ютуқларга эришди. 2012 йилда молия муассасаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 204,6 миллиард сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатилиб, мазкур сармоялар эвазига 105 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.**

Ўтган даврда банк тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошираётган ишлари кўламини янада кенгайтириш бўйича қатор амалий чора-тадбирлар белгилади. Бу йўналишда доимий равишда махсус семинар ва давра суҳбатларининг ташкил этилиши тадбиркорлик ҳаракатини кенг қулоч ёйиши, микросармоялардан унумли ва мақсадли фойдаланиш имкониятини яратиб берди. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкон берувчи филиал ва минибанк тизимининг кенгайиши молиявий инфратузилма ривожланишига асос бўлаётир. Ҳозирда банкимизнинг тадбиркорлар билан яқин ҳамкорлик қилаётган 10 та филиали ҳамда яна шунча минибанклари фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда банк жами активлари 61 миллиард сўмни ташкил этиб, шундан даромад келтирувчи активлар миқдори 49 миллиардни ташкил этди. Банк актив амалиётларининг салмоқли қисмини микромолиявий хизматлар, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига ажратилган кредитлар, кўрсатилган лизинг ва факторинг хизматлари ташкил этади.

Банк кредит портфели 2011 йил бошида 33 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1,5 баробарга ошди ва 49 миллиардга етди. Шунингдек, кредитларнинг 17 миллиард 600 миллиони узоқ муддатли, 9 миллиарди эса қисқа муддатлидир. Ўтган йил давомида банкнинг барча молиялаш манбалари ҳисобидан 26 миллиард 631 миллион сўм кредит ва лизинг хизматлари кўрсатилиб, ажратилган маблағлар ҳисобидан **7 400 га яқин янги иш ўринлари яратилди.**

Президентимизнинг озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига асосан банкимиз томонидан 3 миллиард 593 миллион сўм кредитлар ажратиш бўйича режа ишлаб чиқилган бўлса-да, амалда 4 миллиард 389 миллион сўм кредит маблағлари ажратилиб, белгиланган режа прогноз 122 фоизга бажарилди.

Хусусан, Жарқўрғон тумани «Какайди» қўрғонида жойлашган «Искандар Исроил» фермер хўжалигига ўтган йили хориждан зотли қорамол олиб келиши учун имтиёзли кредит ажратилди. Ҳозирда фермер хўжалиги ишлаб чиқараётган сут маҳсулотлари аҳоли, мактабгача таълим муассасалари ҳамда савдо нуқталарига етказиб берилмоқда. Узун туманидаги «Хуррам ота» фермер хўжалигига паррандачилик тармоғини ташкил этиш учун 25 миллион сўм маблағ ажратилди. Шу кунларда бу ерда 7 минг дона жўжа парваришланиб, аҳолининг тухум ва товуқ гўштига бўлган эҳтиёжи таъминланмоқда.

— Мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган қулай имкониятдан фойдаланиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйдик, — дейди узунлик Баҳодир Шарипов. — «Микрокредитбанк» томонидан ажратилган 50 миллион сўм кредит ҳисобига замонавий асбоб-ускуналар харид қилиб, макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошладим. Ҳозирда саккиз нафар оила аъзоларим меҳнат қилаётган корхонамизда 10 турга яқин макарон маҳсулотлари ишлаб чиқараяпмиз.

Президентимизнинг ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига асосан банк томонидан ўтган йил давомида 2 миллиард 615 миллион сўм кредит маблағлари ва лизинг хизматлари кўрсатилиб, белгиланган режа прогноз 123 фоизга бажарилди.

Мисол учун, Узун туманида фаолият кўрсатаётган «Тўмарис Истиқлол Текстиль» хусусий корхонасига банк томонидан ажратилган 47,5 миллион сўм кредит ҳисобига пайпоқ ишлаб чиқариш ускуналари олиб берилди ҳамда 7 та иш ўрни яратилди. Ҳозирги кунда корхона томонидан пайпоқ ҳамда болалар кийим-кечаклари тайёрланмоқда.

Шунингдек, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 258 та ёш оилага 1 миллиард 6 миллион сўм истеъмол кредитлари, ипотека ҳамда микрокредитлар ажратилди.

Банкимиз сервис соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратаяпти. Хусусан, бу йўналишда 3 миллиард 4 миллион сўм кредитлар ажратилди ва **1200 га яқин янги иш ўринлари ташкил қилинди.**

Шунингдек, Президентимизнинг таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги фармони талабларидан келиб чиқиб, ёшларни иш билан таъминлаш бўйича 2012 йилда 378 миллион сўм кредит берилди. Бунинг натижасида **140 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.**

Шу билан бирга, банкимиз Марказий банкнинг Сурхондарё вилоят бошқармаси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамкорликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатиш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини рағбатлантириш мақсадида Сариосиё, Шўрчи ва Олтинсой туманларида семинарлар ташкил этилиб, уларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширди.

Мамлакатимиз раҳбарининг нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартиришга доир, банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисидаги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида банкимиз томонидан биринчи даражали тўловларга бўлган талаб миқдори 12 миллиард 900 миллион сўмни ташкил этди. Жумладан, пенсия тўловлари 9 миллиард 600 миллион сўм, бюджет тўловлари 3 миллиард 300 миллион сўмдан иборат. Ушбу тўловларни ўз вақтида тўланиши юзасидан барча чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳар ойдаги биринчи даражали тўловлар шу ойнинг 25 санасига қадар тўлиқ тўлаб берилиши таъминланмоқда.

Шунингдек, пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари талабларини бажариш мақсадида, банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони ўтган 2012 йил давомида 65 минг донани ташкил этди, шундан 17 мингтаси On-line карточкалар ҳисобланади. Банк томонидан карточка бизнесини, уларга хизмат кўрсатиш инфраструктурасини ривожлантиришга ҳам катта маблағлар ажратиш давом этмоқда. Жумладан, 2012 йилда қўшимча терминаллар харид қилинди ва уларнинг умумий сони 903 донага етказилди. Терминаллар орқали айланган маблағ ҳисобот санасига 13,2 миллардни ташкил қилди.

Шу билан бирга, маҳсулотларни сотиш ва бу орқали терминаллардан тўлов ҳажмини ошириш бўйича янги хизмат турлари жорий этилди. Жумладан, банк VISA халқаро тўлов ҳудудий операцион комитетининг қарорига асосан тизим аъзолигига қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан фуқароларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида, жисмоний шахсларга чет эл валютасини халқаро банк картасидан фойдаланган ҳолда сотишни амалга ошириш бўйича бевосита шуғулланадиган Конверсион операциялар бўлимлари ташкил этилди.

2013 йилда банк-молия тизими барқарорлигини таъминлашнинг муҳим устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, банк томонидан аниқ режа-вазифалар ишлаб чиқилган. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2013 йил учун кредит ресурслари ажратиш миқдори 1,3 баробарга оширилади. Мазкур субъектларга 34 миллиард 620 миллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилиши мўлжалланган. Бунинг натижасида **7 700 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.**

Банкимиз томонидан 2013 йилда 22 та қорамолчилик хўжаликларига 574 миллион уч юз минг сўм, 26 та паррандачилик хўжаликларига 1 миллиард 600 миллион икки юз минг сўм, 16 та балиқчилик хўжаликларига 234 миллион сўм, 23 та асаларичилик хўжаликларига 243 миллион 400 минг сўм миқдорида кредит ажратиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, жорий йилда интенсив мевали боғлар ташкил этиш учун жами 88 та лойиҳа бўйича 2 миллиард 726 миллион 900 минг сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, «2013 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш» Дастури прогноз параметрларида қайд этилган бандлик йўналишида янги ташкил этиладиган хусусий тадбиркорлик субъектлари, кичик корхона ва микрофирмаларга ажратиладиган бошланғич сармояни шакллантириш учун микрокредитлар ҳажмини 1,3 баробарга яъни, 2 миллиард 961 миллион сўмга ошириш кўзда тутилмоқда.

Вилоятнинг чекка ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва сервис объектларини ишга тушириш учун ажратиладиган имтиёзли кредитлар ҳажмини 1,3 баробарга ошириб, 4 миллиард 515 миллион сўм кредитлар ажратиш ҳам банкимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунда асосий эътибор сартарошхона, гўзаллик салонлари, либослар ательеси, касаначилик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадидаги лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилади.

2013 йил — «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчилари эгаллаган билим ва кўникмаларини амалиётга жорий этиш, бунинг учун уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш борасида белгилаб берилган вазифалар ижроси тўлиқ таъминланади. Бу борада ҳар бир тумандаги касб-ҳунар коллежи талабалари ва битирувчилари билан семинар-тренинг ва давра суҳбатлари ташкил этиш кўзда тутилган. Шунингдек, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш мақсадида ўтган йилга қараганда икки баравар кўп яъни, 600 миллион сўм кредит ажратиш белгиланган.

Шунингдек, Президентимизнинг озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ 5 миллиард 705 миллион 500 минг ҳамда маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорлари ижроси юзасидан 3 миллиард 398 миллион 700 минг сўм кредит маблағлари ажратилиши мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратиладиган кредитлар миқдори 3 миллиард 604 миллион сўмни ташкил этади.

«Микрокредитбанк» ОАТБнинг Сурхондарё вилоят филиали жамоаси ўз мижозларига намунали ва сифатли банк хизмати кўрсатиш билан бир қаторда асосий эътиборни бундан кейин ҳам вилоятда янги иш ўринлари яратишга қаратаверади.

**БАНК МАТБУОТ ХИЗМАТИ.**



MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 246
19991 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 23.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Temur XUDOYBERDIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5